

«24» 12 2019y. № 26

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА

АМБРОКСОЛ ГИДРОХЛОРИД

Препаратнинг савдо номи: Амброксол гидрохлорид

Таъсир этувчи модда (ХПН): амброксол гидрохлориди

Дори шакли: инъекция учун эритма.

Таркиби:

фаол модда: амброксол гидрохлориди-15 мг;

ёрдамчи моддалар: лимон кислотасининг гидрати, натрий хлориди, натрий гидрофосфат гептагидрати, инъекция учун сув 2 мл гача.

Таърифи: тиник, рангиз бироз сарғиш суюқлик.

Фармакотерапевтик гурӯҳи: Балғам кўчирувчи восита

ATX коди: R05CB06

Фармакологик хусусиятлари:

Амброксол препаратининг таъсир этувчи моддаси-нафас йўлларининг безларининг секрециясини оширувчи амброксол гидрохлориди хисобланади. Амброксол ўпка сурфактантини ишлаб чиқарилишини кучайтиради ва цилиар фаолликни рафбатлантиради, бунинг натижасида шиллиқни ажралиши ва уни чиқарилиши (мукоцилиар клиренс) осонлашади. Мукоцилиар клиренсни яхшиланиши клиник-фармакологик тадқиқотлари вактида исботланган. Суюқлик секрециясини фаоллашуви ва мукоцилиар клиренсни ошиши шиллиқни чиқарилишини осонлаштиради ва йўтални камайтиради. Амроксол гидрохлориднинг маҳаллий оғриқсизлантирувчи самараси қўён кўзи моделида кузатилган бўлиб, уни натрий каналларни блоклаш хусусияти орқали тушунтириш мумкин. *In vitro* шароитида тадқиқотлар амброксол гидрохлориди нейронлардаги натрий каналларини блоклашини кўрсатган; блокловчи боғланиш қайтувчан ва концентрациясига боғлиқ бўлган *In vitro* шароитида тадқиқотларида амброксол гидрохлоридини кондан цитокинларни ажралишини ва мононуклеар ва полиморфнуклеар ҳужайраларни тўқималар билан боғланишини аҳамиятли даражада камайтириши аниқланган. Фарингити бўлган пациентларни жалб қилиш билан ўтказилган клиник синовлар натижасида амброксолни қўлланганда томоқдаги оғриқ ва қизаришни сезиларли даражада камайиши исботланган. Оғрикни тез камайишига олиб келувчи ва бурун бўшлиғи, қулок соҳаси ва нафас олишда трахеядаги дискомфорт оғриғи билан боғлиқ бу фармакологик хусусиятларининг юқори нафас йўлларини касалликларини даволашда амброксолнинг самарадорлигини ўрганиш бўйича олиб борилган клиник тадқиқотлардаги симптомларни ёрдамчи кузатилишда олинган маълумотларга мос келади. Амброксол гидрохлоридини қўллангандан кейин бронх-ўпка шиллиқида ва балғамда антибиотикларнинг (амоксициллин цефуроксим, эритромицин) концентрациялари ошади.

Фармакокинетика

Амброксол парентерал юборилганда тўқималарга тез ўтади. Юқори концентратияси ўпкада аниқланади. Амброксол гидрохлориднинг терапевтик диапазонини етарли даражада кенглиги туфайли дозага тузатиш киритиш керак эмас. Пациент ёши ва жинси амброксол гидрохлоридининг фармакокинетикасига клиник аҳамиятли таъсир кўрсатмайди. Амброксол орқа мия суюқлигига ва йўлдош тўсифи орқали ўтади, шунингдек кўкрак сутига ўтади. Метаболитлар кўринишида буйрак орқали ва қисман ўзгармаган амброксол кўринишида чиқарилади.

Құлланилиши

Бронхиал секрецияни бузилишлари ва шилликни силжишини сусайиши билан боғлик үткір ва сурункали бронхопульмонал касаллікларда симптоматик даволаш учун құлланади.

Құллаш усули ва дозалари:

Инъекция учун амброксол эритмаси мушак ичига, тери остига ёки вена ичига (секин оқим билан ёки томчилаб) юборилади. Эритувчи сифатида 0,9% ли натрий хлориди эритмаси, 5% ли глюкоза, Рингер-Локк эритмаси ёки бошқа pH 6,3 дан юқори бұлмаган асосли эритма құллаш мумкин. Катталарга одатда 2 мл дан суткада 2-3 марта буюрилади, оғир холларда дозани икки баробар ошириш мумкин. Болаларга препаратни суткасига 1 кг тана вазнига 1,2-1,6 мг доза ҳисобида буюрилади. Одатда 2 ёшгача болаларга 1 мл дан суткада 2 марта (1/2 ампула) буюрилади. 2 дан 5 ёшгача -1 мл дан (1/2 ампула) 3 марта; 5 ёшдан катталарга -2мл дан (1 ампула) 2-3 марта буюрилади. Респиратор дистресс-синдромда янги туғилган ва вақтидан олдин туғилган чақалокларга: Амброксол препаратининг суткалик дозаси 10 мг/кг гача оширилади (оғир ҳолаттарда -20 мг/кг гача, 3-4 юборишга бұлғын тақсимланади). Касалликни үткір күриниши йүқолғандан кейин инъекция бекор қилинади ва амброксол препаратининг бошқа дори шакллари ичға қабул қилишга ёки ректал құллашга үтилиши мумкин. Даволаш давомийлиги касалликни кечувини үзиге хос хусусиятига боғлиқ. Амброксолни шифокор тавсиясиз 4-5 кундан күп құллаш мумкин эмес.

Ножұя таъсирлари

Иммун тизими ва тери томонидан; анафилактик реакциялар, шу жумладан анафилактик шок, ангионевротик шиши, тери тошмаси, эшакеми, қишишиш ва бошқа аллергик реакциялар.

Овқат қазм қилиши тизими томонидан; жигилдон қайнаши, сұлак оқиши, қабзият, құнгил айниши, кусиши, диарея, диспенсия, қоринда оғриқ.

Сийдик-чиқарии тизими томонидан; дизурия.

Умумий бузилишлар; шиллиқ қавати томонидан ұта юқори сезувчанлик реакциялари, ҳансираш, иситма, ринорея, нафас йүлларини қуриши.

Терини оғриқ шикастланишилари; амброксол каби муколитик құлланиши билан боғлиқ Стивенс-Джонсон синдроми. Лайелл синдроми тұғрисида жуда кам хабар қилинген. Асосан уларни асосий касалликни оғир кечиши ёки бир вактда бошқа препаратни құллаш билан тушунтириш мумкин. Ҳар қандай ножұя реакциялар пайдо бұлғанида дархол тиббий ёрдамга мурожаат қилиш ва амброксол билан даволашни тұхтатиши лозим.

Дориларнинг үзаро таъсири:

Бошқа дори препаратлари билан клиник ножұя үзаро таъсирлари тұғрисида хабарлар йүк. Амброксол гидрохlorидни құлланғандан кейин бронх-ұпка шиллиқида ва балғамда антибиотикларни (амоксициллин, цефуроксим, эритромицин) концентрациялари ошади. Амброксол ва йұтальни сусайтирадиган воситаларни бир вактда құллаш үтіктегі рефлексини бостириши оқибатида шиллиқни ҳаддан зиёд тұпланишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун бундай мажмууани факат шифокор кутиладиган фойда ва құллашдан бўлған хавф нисбатини синчков баҳолагандан кейин құллаш мумкин.

Махсус құрсақтамалар:

Терини оғир шикастланишилари; амброксол гидрохlorиди каби балғам құчирувчи воситаларни құлланиши билан боғлиқ Стивенс-Джонсон синдроми ва токсик эпидермал некролиз (Лайелл синдроми) бүйіча хаммаси бұлғын бир қанча хабарлар түшганды; асосан уларни пациентларда асосий касалликни оғир кечиши ва /ёки бир вактда бошқа препаратни құлланиши билан тушунтириш мумкин. Шунингдек Стивенс-Джонсон

синдромини ёки Лайелл синдромини бошланғич бошқичида пациентларда иситма, зиркираш, ринит, йұтада оғриқ каби грипнинг бошланиш белгилариға хос носпецифик симптомлар булиши мүмкін. Грипнинг бошланиш белгилариға хос бұлган, бундай носпецифик симптомларда йұтада шамоллашга қарши симптоматик даволашни құллаш хато ҳисобланади. Шунинг учун тери ва шиллик қаватини янги шикастланишлари пайдо бұлғанида дархол тиббий ёрдам учун мурожат қилиш ва амброксол гидрохlorиди билан даволашни тұхтатиши керак. Буйрак фаолиятини бузилишлари бұлган пациентлар амброксол гидрохlorидини фақат шифокорнинг маслахатидан кейин қабул қилишлари мүмкін. Амброксол шиллиқни ажралишини секрециясini кучайтириши мүмкінligи туфайли, препаратни бронхиал моториканы бузилишида ва шиллик секрециясini кучайишида (масалан, бирламчи цилиар дискинезия каби кам учрайдиган касалліктерде) әхтиёткорлик билан қабул қилиш лозим. Буйрак фаолиятини бузилишлари ёки жигарнинг оғир касалліктері бұлган пациентларда препаратни әхтиёткорлик билан құллаш лозим(хусусан құллашлар үртасидаги интервални узайтириш ёки дозани камайтириш лозим). Жигарда ҳосил бұладиган метаболитларни түпланиб қолиши, оғир буйрак етишмөвчилеги бұлган пациентларда күзатиласы.

Хомиладорлик ва лактация даврида құлланниши.

Амброксол гидрохlorиди йұлдош түсіғи орқали үтади. Ҳайвонларда үтказилған тадқиқотлар препаратни ҳомиладорликни кечишига, эмбрион ҳомиланы ривожланишига бевосита ёки билвосита таъсирларини аникламаган. Амброксол гидрохlorидининг клиник тадқиқоти натижасыда препаратни ҳомиладорликнинг 28-хафтасидан кейин құлланғанда ҳомилага бирон-бир заарлы таъсири борлиги аниқланмаган. Шунга қарамай, ҳомиладорлик вактида дориларни қабул қилиш бүйіча одатдагиchoralарга риоя қилиш керак. Айниқса ҳомиладорликни 1-уч ойлигіда Амброксолни құллаш тавсия қилинмайды. Амброксол гидрохlorиди күкрап сутига киради, шунинг учун уни эмизиш вактида құллаш тавсия қилинмайды.

Болалар.

Болаларга 12 ёшдан бошлаб құлланади; 12 ёшгача бұлган болаларга амброксолни бошқа дори шаклида құллаш тавсия қилинади.

Автомабилни ва мураккаб механизмларни бошқарғыш қобилятiga таъсири.

Автотранспортни бошқарыща ёки бошқа механизмлар билан ишлашда реакция тезлигига таъсир қилиши тұғрисида маълумотлар йўқ. Препарат болалар ололмайдиган жойда сақлансын ва яроқлилік муддати ұтгач құлланылмасын.

Дозани ошириб юбориши:

Бугунғи кунда одамларда дозани ошириб юбориши холлари тұғрисида хабарлар йўқ. Дори дозасини ошириб юборишидаги ва/ёки хато құлланғандаги симптомлар тұғрисидаги маълум бұлган якка хабарлардан амброксолни тавсия қилинган дозалардаги ножуя таъсирларига жавоб беради ва симптоматик даволашни талаб қилади.

Чиқарылыш шакли.

Инъекция учун эритма 15 мг/2 мл 2 мл ампулалар. 5 та ампула (ПВХ) поливинилхlorидли контур уяли үрамга жойлаштирилади. Битта, иккита ёки бешта поливинилхlorидли контур уяли үрам құлланылышынан доир йўриқномаси билан бирга картон қутига ёки импорт қутига жойлаштирилади.

Сақлаш шароити.

Оригинал кадоқда, ёруғлиқдан ҳимояланған жойда, 25⁰C лан юқори бұлмаган ҳароратда сақлансын.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансын.

Яроқлилик муддати.

2 йил.

Яроқлилик муддати ўтгандан кейин кўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби.

Рецепт бўйича.

Ишлаб чиқарувчи ва дори воситасининг сифати бўйича эътиrozлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили.

«UZGERMED PHARM» МЧЖ ҚҚ, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Юкори-Чирчик тум. Борданкул ҚФЙ.

Тел.: (8370) 202-60-06, факс: (8370) 983-62-62,

Электрон почта: info@ugp.uz, веб-сайт: www.ugp.uz